Хабарлар оқимидан

## Талабга яраша маҳсулот

Хўжаободдаги спорт моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилнинг олти ойида 120 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 45 миллион сўм кўп демакдир.

Мутахассислар, мураббийлар ва спортчиларнинг истак ва талаблари ўрганиб чиқилиб, корхона ўз маҳсулотлари сархиллигини тўққиз турга кўпайтирди. Натижада маҳсулотлар корхонадан тўппа-тўғри харидорлар қўлига бормоқда.

**«Туркистон-пресс».**

## Оқсоқоллар гурунги

Жиззах шаҳридаги «Раваллиқ» маҳалла гузарида маҳаллалар раислари, кўча оқсоқолларининг Республика оқсоқоллар кенгаши раҳбарлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор ёшлар маънавиятини шакллантиришда маҳалла ва маданият муассасаларининг ўрни, таъсирини кучайтириш масалаларига қаратилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўтмиш билан рўбарў

Ўзбекистон Бадиий академиясида таниқли монументалчи рассом Рустам Худойбергановнинг «Рангин қалъалар» деб номланган кўргазмаси очилди.

Эътироф этиш мумкинки, Р.Худойберганов ижоди ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг портрет жанридаги асарларни нафақат Ўзбекистонда, балки АҚШ, Германия, Италия, Франция, Малайзия, Корея, Туркия, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам билишади. Мусаввирнинг «Амир Темур портрети», «Феруз», «Жалолиддин Мангуберди», «Султон Абусаид Мирзо», «Бобур» сиймолари унинг юксак маҳоратидан дарак бериб турибди.

У яратган асарларда қалъалар, обидалар ҳозирги замон меъморчилиги билан уйғунлашиб кетгандай.

**К.МИРЗАҲМЕТОВА, ЎзМУ талабаси.**



# ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

... Қумқўрғон шаҳридан Бойсун томонга ўттиз беш чақиримча йўл юрсангиз, йигирматача сийрак-сийрак ҳовлидан иборат қишлоққа дуч келасиз. Бу — Бойсун туманининг Тангимуш қишлоғи. Ундан чапга қараб кенг сойлик узра кетган йўл анчадан буён ишламаётган керамзит саралаш заводига олиб боради. Заводнинг идораси — темир йўл қурилиши штаби.

Киприкларига чанг қўниб, офтобда қорайиб ишлаётганларга қуюқ салом бергинг, улар билан суҳбатлашгинг келади. Ана, улардан бири — ёши қирқ бешларга борган гавдали одам. У экскаваторини ўт олдириш учун кабинага ўтиради. Гавдали бўлгани билан чаққон экан. Экскаваториям гир айланади.

— Бу экскаваторчимиз Абдужаббор Эсонов, — дея уни бизга таништиради Мусурмонқул ака. — Китобда ёзилишича, экскаватор кетмонининг бир сидра тупроқ олиб тўкиши учун 21 секунд кетади. Аммо Абдужаббор ака бу ишни 15 секундда бажаради.

Биз юкхонаси қурилиш блоклари билан тўла машинанинг ёнида тўхтаймиз.

— Мен Термизданман, — дейди Хушбоқ Қорашаев деган ҳайдовчи.— Ана, юкларни тушириб олинглар...

Бош пудратчи ташкилот — Каттақум автойўл махсус бошқармаси бошлиғи Панжи Қўзиев суҳбатга қўшилади:

— Муҳими, ишни бошладик. Ҳозир техника воситаларини жамлаб олаяпмиз, иш қамровини кенгайтиряпмиз, — дейди у. — Тасаввурингиз ойдинроқ бўлиши учун айтаман: бир ярим миллиард сўмлик иш адо этилди. Бу — Камчиқ довонида уддаланган ишнинг олтидан бир қисми, демакдир.

Қўзиевнинг айтишича, йил охирига қадар 32 километр узунликдаги масофани рельс ётқизишга тайёрлаш жараёнидаги энг масъулиятли иш — сунъий иншоотлар қурилиши. Бу ерда 83 та кўприк, сел йўли, бошқа иншоотлар тикланади. Ҳозир улардан 23 тасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Биз «1697-пикет» деб аталадиган жойдамиз. Айни шу нуқтада узунликдаги 85 метрга чўзиладиган туннел қурилади. Қарийб бир миллиард сўмлик иш бажарилади.

Пикетда портлатиш ишлари бошланди. Блокларни тайёрлаш корхонаси буюртма олди. Техник-муҳандислик юмушлари ҳам ўз ечимини топмоқда.

Биз қурилиш штабининг кундалик юмушлар таҳлилига бағишланган йиғилишида ҳам иштирок этдик. Маълум бўлишича, 1-механизациялашган кўчма жамланма жамоасининг ишлари режага мувофиқ бораяпти. «Сурхон» темирбетон ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ҳам ўз ишларини темир йўл қурилиши меъёрига мослаб ололди. Бироқ 4-механизациялашган кўчма жамланма ёнилғи олаяпти-ю, техникаларини ишлатмаяпти. Демак, тегишли ҳокимликлар, банклар, таъминотчиларнинг ишларини тўла мувофиқлаштириш пайти келди. Ахир, йилнинг ярми ўтди. Олдинда белгиланган ишнинг қарийб тўртдан уч қисми турибди.

Қурилишдаги ишлар таҳлилига бағишлаб ҳафтада бир марта ўтказиладиган йиғилишлар илгари тўрт-беш соатга чўзилиб кетар экан. Бу галгиси эса қисқа бўлди. Демак, ишлар тиғиз. Ўз ишларидан одамларнинг кўнгиллари тўлаяпти. Шу боис ҳам, темир йўл қурилишидаги дастлабки қадамлар залворлидир.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғаввослар халоскорлардир

Синов тугади

2000 йил 29 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув тузилмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида фармойиши чиққан эди. Бу муҳим ҳужжат кучга киргандан сўнг илгари «Сувдан қутқариш жамияти» деб номланиб келинган ташкилот ФВВ ихтиёрига ўтиб, янги, замонавий ғаввослик асбоб-ускуналари сотиб олинганди. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, ўтган уч йилдан зиёд вақт ичида сув ҳавзаларида чўмилиб, ҳордиқ чиқаришга келган, эҳтиётсизлик туфайли сувда чўкаётган минглаб фуқароларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Мана, уч йилдирки, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошида мутахассис-ғаввослар тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатиб келаяпти. Сувдан қутқариш кўникмаларини эгаллаган юзлаб йигитлар билимларини ва маҳоратларини мустаҳкамламоқдалар.

— Бўлажак ғаввослар нафақат қутқариш сирларини, балки асбоб-ускуналардан унумли фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қандай риоя қилиш зарурлиги, қийин шароитларда сувга тушиш ва сув остида қидирув-қутқарув ишларида маҳорат кўрсатиш ва бошқа қулай усулларни ҳам ўрганмоқдалар, — дейди вазирликнинг авария-қутқарув бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Тўлқинжон Аҳмадалиев.

Дарҳақиқат, мутахассис-ғаввослар тайёрлаш, уларнинг билим ва маҳоратини ошириш билан бирга мутахассислар таркибини янада мустаҳкамлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган «Чорвоқ» сув омборидаги сувдан қутқариш станцияси базасида ҳар йилги анъанага кўра вилоятлардан келган ёш мутахассис-ғаввослар бир ҳафталик ўқув амалиётини тугатиб, синов имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.

**Азамат СУЮНОВ.**



*Булоқбоши Андижон вилоятининг пешқадам туманлари сирасига киради. Туманда маҳаллий саноат, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларининг ўз номдорлари бор. Сўнгги йилларда туманда пахтачилик ва ғаллачиликда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Бундан бир неча йил олдин ҳар гектар ғалладан 32 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йилги кўрсаткич 75 центнерни ташкил этди. Пахта ҳосилдорлиги эса 23 дан 40 центнерга кўтарилди. Бу тинимсиз меҳнат, изланиш самарасидир.*

*Туман пахтакорлари жорий йилда ҳам ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишни аниқ мақсад қилиб олганлар. Қийғос гулга кирган ғўза ниҳолларининг баравж ривожи эса орзулар рўёбига ишонч туғдиради.*

**СУРАТДА: бош пудратчи Тожимуҳаммад Рўзиқулов, бош ҳосилот Исроилжон Юнусов ва туман ҳокими Абдумуталиб Жалилов Бакир Ражабов номли ширкат хўжалиги далаларида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Мозийга назар

Ўзбекистон тарихи давлат музейида “Мустақиллик сари — мураккаб йўл” мавзуида амалий мулоқот бўлиб ўтди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, Тошкент Ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мустақиллигимизнинг 12 йиллиги олдидан миллий истиқлол ғояларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида фикр алмашилди. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ўз она Ватани тарихини мукаммал эгаллаган, билимдон фарзандлар қилиб тарбиялаш, улар онгида миллатпарварлик, инсонпарварлик қадриятларига нисбатан ҳурмат туйғуларини шакллантириш масалалари қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Мулоқотда етук тарихчи олимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари раҳбарларининг мавзуга оид маърузалари тингланди.

**Муборак ОХУНОВА. ЎзМУ талабаси.**

*Ўзбекистон — Польша:*

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Польша Республикасига расмий ташрифи бошланади. Ташриф мамлакат Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан амалга оширилмоқда ва уч кун давом этади.

Польша — Европадаги нуфузли давлат. У НАТОнинг аъзоси ва 2004 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Польша ҳудудий жиҳатдан унчалик катта бўлмаса-да, аҳоли сони жиҳатидан қитъада олдинги ўринлардан бирида туради. Яъни, мамлакатда қарийб қирқ миллионга яқин аҳоли яшайди. Пойтахт Варшавадан ташқари унинг Лодзь, Краков, Вроцлав, Познань, Гданьск каби йирик саноати ривожланган шаҳарлари бор.

Халқаро масалаларда Польша мустақил ташқи сиёсат юритаётган давлат ҳисобланади. Ироққа қарши ҳарбий амалиётларда АҚШга иттифоқчи бўлди. Ҳозир ҳам Ироқда қайта тиклаш ишларини амалга оширишда АҚШ ва бошқа иттифоқчилар билан бирга ҳамкорлик қилмоқда. Польша демократик ривожланиш йўлини танлаган ва шу йўлдан изчил бораётган давлат. Мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Иқтисодда бозор муносабатлари устувор. Тараққий этган давлатлар билан иқтисодий интеграцияга киришганлиги яхши самаралар бермоқда. Транспорт-коммуникация тармоқлари яхши ривожланган. Лўнда қилиб айтганда, Польша Европа қитъасида Ўзбекистонга муносиб шерик бўла оладиган давлат.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневский мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган эди. Польша НАТО аъзоси ва Европа Иттифоқининг бўлғуси аъзоси сифатида Ўзбекистон учун Европага очилган дарвоза бўлишга тайёр, деган эди ўшанда Квасьневский. Шунингдек, у Афғонистондаги аксилтеррор амалиётларини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистонни барқарорликни экспорт қилувчи мамлакат деб атаб, унинг мустақил ташқи сиёсатини маъқуллаган ва мустақиллик йилларида эришган ютуқларидан мамнун бўлган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам Польшага биринчи марта ташриф буюраётгани йўқ. Ўзбекистон раҳбарининг дастлабки расмий ташрифи 1995 йилда амалга оширилганди. Кўп томонлама ҳамкорлик ўшанда асос солинган эди. Шундан бери ўзаро ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, савдо, сайёҳлик, олий таълим ва маданий соҳаларда олиб борилмоқда. БМТ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида олиб борилаётган алоқалар, шубҳасиз, ҳар иккала давлатнинг манфаатларига мосдир. Жаҳон ҳамжамияти кун тартибига киритган долзарб масалаларда Польша ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз сўзи ва овозларига эга. Уларнинг Ироқ билан бирга, Афғонистондаги тикланиш ишларида иштирок этишлари учун ҳам имкониятлари бор.

Польша Президенти Александр Квасьневский ўтган йили амалга оширган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон билан нефть-газ ва энергетика саноати, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш, экология соҳаларида ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтган бўлса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тўқимачилик, эгергетика, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебеллар ва рангли металлар айирбошлаш, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилиш ўзаро манфаатли эканлигини таъкидлаган эди.

Бугун бошланадиган расмий ташриф, сўзсиз, ана шундай манфаатларнинг амалга ошишига ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи. «Туркистон-пресс».**

# Электрдаги узилишлар — асабдаги бузилишлар

*Фарғона вилоятида вақтнинг «Чироқ ўчгандан ўн минут ўтганда»,«Электр ёнгандан ярим соат кейин» деган ажойиб атамалари пайдо бўлибди. Хўш, нега?*

Мамлакатимизда турли жабҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашган, халқнинг моддий аҳволи яхшиланган сари кишиларнинг маданий, маиший, коммунал хизматга бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб боради.Бугунги кунда юртдошларимизни тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминлаш, таъминлаганда ҳам уларнинг узлуксиз хонадонларга етиб боришига эришиш ниҳоятда муҳимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳаётимизни уларсиз тасаввур ҳам қилолмаймиз.Айниқса, электр энергиясисиз ҳаётимиз тўхтаб қоладиганга ўхшайди.

Мавжуд қоидаларга асосан электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар вилоят электр тармоқлари шўъба корхоналари билан, бу корхоналар шаҳар ва туман электр тармоқлари корхоналари билан, ўз навбатида, улар аҳоли ва турли мулк шаклидаги бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузади.Фарғонада ҳам бундай шартномалар тузилган.Лекин бу шартномалар бир томонлама, фақат таъминотчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур шартнома истеъмолчининг зиммасига катта вазифаларни юклайди. Масалан, истеъмолчи электр ҳақини ўз вақтида тўламаса маълум фоиз устама тўлашга мажбур. Лекин таъминотчи электр энергиясини ўз вақтида етказиб бермаса, яъни шартномани бузса ҳам, ҳеч қандай чора ёки мажбуриятни бажармайди. Шу боисданми, кейинги беш-олти йил давомида вилоят электр энергияси таъминотида кишиларнинг асабига тегадиган даражада узилишлар юз бераётгани аҳолининг нурчилардан ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлаяпти.

Тўғри, электр таъминотини чеклашлар бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда жадваллар тузилган.Аммо бу жадваллардан бирорта маҳалла хабардор қилинмаган. Энг ачинарлиси, электр таъминоти идораларининг ўзлари бу жадвалларга умуман амал қилишмайди. Ажабланарлиси, вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси билан биз танишган Бағдод тумани электр тармоқлари идорасининг энергияни чеклашлар жадваллари ҳам таъминотчи фойдасига хизмат қилади. Яъни тумандан қишлоқларга энергия берилса, бу пайтда туманга вилоятдан энергия узиб қўйилган бўлади. Аниқроғи, чироқ энди ёнди, деганингизда яна узилади. Айниқса, қишнинг қирчиллама кунларида қишлоқларда 11-12 соатлаб электр бўлмайди. “Нега бундай?” деган саволимизга таъминотчи корхоналарнинг раҳбарлари, “Аҳоли ва корхоналарнинг қарзи кўпайиб кетганлиги учун ўчирилмоқда”, деган жавобни айтишди. Тўғри. Барча туманларнинг электр тармоқлари корхоналари “Фарғона электр тармоқлари шўъба корхонаси”дан ўрта ҳисобда ҳар ойда 400-450 миллион сўмдан қарз. Жумладан биз кузатган Боғдод электр тармоқлари идораси ҳам 2003 йил 1 апрель ҳолатига 638 млн. 848,6 сўм қарз. Аммо бу қарзлар кўпайса кўпаядики, камаймайди. Чунки нурчилар тили билан айтганда, “энергияни йўқотиш жуда катта”. Хўп, шундоқ ҳам бўлсин. Лекин энергия қаёққа йўқоляпти?

Кейинги йилларда хусусий уйлар қурилиб, янги-янги маҳаллалар пайдо бўлаяпти. Уларга эса ҳашар йўли билан, лойиҳасиз электр тармоқлари ўтказилмоқда. Лойиҳа бўлмагандан кейин вилоятдан уларга “лимит” қўшиб берилмайди. Бу биринчи сабаб. Иккинчидан, минглаб хонадонлар энергиядан йиллар давомида электр ҳисоблагичсиз, ўғринча фойдаланиб ётишибди. Уларга қарши курашишга таъминотчи идоралар ожиз. Ана шулар туфайли “йўқотиш”лар кўпаймоқда, таъминотдаги узилишлар кўпаймоқда. Масалан, шу йилнинг январь-март ойларида чеклашлар шу даражага етдики, қишлоқларда бир кеча-кундузда 8-10 мартагача чироқ ўчирилди.- Бундан кўринадики, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётганлар касрига ҳалол истеъмолчилар ҳам азият чекмоқда. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлмоқда. Таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида тузилган шартноманинг 5-моддасидаги “Энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчига давлат стандарти бўйича тармоқ орқали узлуксиз энергия етказиб беради”, деган қонуний сўзлар ҳавода қоляпти.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 469-моддасида, « Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қурилмаси, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари ва асбоблари мавжуд бўлган истеъмолчи билан тузилади”, деб таъкидланган. Демак, электр ҳисоблагич ўрнатмаган истеъмолчилар билан шартномалар тузилмаган. Шартнома бўлмагач, электр сарфини ҳисоблайдиган дафтарлар ҳам йўқ. Тўғри, яқиндан бери айрим туманларнинг ҳокимлари энергиядан ҳисоблагичсиз фойдаланаётган истеъмолчилардан электр ҳақини ундиришнинг таърифларини белгилаб бераяпти. Лекин йиллар давомида ҳисоблагичсиз фойдаланилган энергия ҳақи нима бўлади? Ахир ҳар бир маҳалла фуқаролик йиғинида электр тармоқларининг назоратчи-вакиллари бор бўлиб, улар ҳар бир хонадонга ойда бир кириб-чиқади-ку? Демак, “муросаи-мадора” экан-да. Ундан кўра, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан чинакам ҳамкорлик қилиб, ўғринча фойдаланаётганлар сафини қисқартириб, тугатиб юборишга ҳаракат қилишса бўлмайдими? Ёки «Ўзбекэнерго» компанияси таъмирсиз фойданиладиган, арзон электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариб, ҳамма хонадонга мажбуран ўрнатиб кетишса. Унинг пулини эса истеъмолчи газ ўлчагичларга тўлагандек секин-аста тўлиб борса...

Яна бир муаммо. Савдогар дўстимиз айтиб қолди:

— Тегирмоним, нон пиширадиган цехим бор. Электрдан эса бекитиқча фойдаланаман. Чунки мен тўғри фойдаланадиган бўлсам ишлаб чиқараётган махсулотимдан умуман фойда кўрмайман. Фойда билан қонуний электр энергиясига тўлашим зарур бўлган пул тўппа-тўғри бўлади. Шунинг учун назоратчи билан келишиб қўяқоламан. Битта мен эмас, бунақа корхоналардан вилоятда қанча-ю...

Эҳтимол, ёз даврида электр таъминоти мўътадиллашиб қолар. Лекин кўз очиб юмгунча куз, қиш келаяпти. «Ўзбекэнерго» компанияси, вилоят бошқармаси юқоридаги муаммолар ҳақида чуқур ўйлаб кўрсалар, тегишли амалий чоралар кўришса, халқимиздан фақат дуо олишарди.

**Солижон УСМОНОВ, журналист.**
**Саид АНВАР, “Халқ сўзи” мухбири.**

Огоҳлик

# Бола кўчада қолса...

Баъзан шундай воқеалар ҳам рўй берадики, киши хаёлига келмаган, аммо кимларнингдир бир умр бахтсиз ёки фарзанд доғу ҳасратида яшашига сабаб бўлгувчи мусибатлар келиб чиқиши мумкин.

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини Беруний кўчаси 119-уйда яшовчи, 28-ўрта умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Абдурашид Тўхтаназаровнинг ўйламай қилган иши туфайли бир хонадон бошига оғир мусибат тушди. Шу йилнинг 2 июль куни кечки соат саккизларда Абдурашид отаси Аъзам Тўхтаназаровга тегишли «ЛУАЗ-969» русумли, Л 5691 ФЕ давлат рақамли автомашинани ўзбошимчалик билан кўчага ҳайдаб чиқиб кетган. У худди шу тумандаги Беруний кўчаси 136-уйда яшаган, 1999 йил туғилган Умид Раҳимбердиевни уриб юборди. Натижада Умид тан жароҳати олди ва воқеа жойида ҳалок бўлди.

Энди ана шу фалокат муносабати билан атрофлича фикр юритадиган бўлсак, йўл-транспорт ҳодисаларининг, айниқса, мактаб ўқувчилари билан боғлиқ равишда юз бераётганлиги, уларнинг охир-оқибати фожеа билан тугаётганлиги жамоатчиликни ғоятда ташвишлантиради. Агар Абдурашид, аввало, ота-онаси назоратида бўлганда ва у автомобиль ҳайдаш ҳуқуқига эга эмаслигини англаганда эди, юқорида тилга олинган бахтсиз ҳодиса рўй бермасди.

Ёз фасли авжига чиқмоқда. Ҳозир мамлакатимизнинг сўлим гўшалари, дам олиш уйлари ва оромгоҳларида фарзандларимиз ҳордиқ чиқаришмоқда. Болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлаб, яхши дам олишлари учун имкониятлар етарли. Аммо уйда, ота-онаси қошида ёзги мавсумни ўтказаётган болалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Таътилга чиққан ўқувчиларнинг ота-оналари назорати остида бўлиши муҳим, албатта. Лекин назоратдан ташқарида, кўпроқ жамоат жойлари, кўчалар ва йўлларда катталарнинг эътиборидан четда ўйнаб юрган болаларни кўриб хавотирга тушмай иложимиз йўқ. Транспорт серқатнов жойларда ҳар сонияда кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкин. Ота-онаси, катталар назоратидан қолиб кўчага чиқиб кетган бола йўл ҳаракати қоидаларига риоя этади, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳар ҳолда бола бола-да!

2003 йилнинг 2 июль куни соат 17.30 ларда Фурқат тумани Полвонтош қишлоғида яшовчи Уйғун Қурбонов «ВАЗ-2106» русумли 15 А 0303 давлат рақам белгили автомобилни ҳайдаб кетаётиб йўлни кесиб ўтаётган пиёда, шу қишлоқда яшаган 1995 йилда туғилган Гулсанам Абдурасуловани уриб юборди. Натижада қизалоқ тан жароҳати олиб, воқеа жойида вафот этди. Гулсанамнинг ғилдирак остида қолишига биргина ҳайдовчи айбдор эмас, балки атрофдагиларнинг бефарқлиги яққол кўзга ташланади. Афсуски болалар тақдирига лоқайд муносабатда бўлувчи ота-оналар айби туфайли турлича даражадаги йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлаётир. Жорий йилнинг июнь ойи маълумотларига қараганда, ўқувчилар иштирокида республикамиз бўйича 200 га яқин ЙТҲ си содир бўлган. Бунинг оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган ёки ногирон бўлиб қолган ўқувчилар ҳам йўқ эмас.

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари йўлида маҳалла ва қишлоқ жамоалари ҳам масъул бўлмоқликлари, болалар кўчалар ва йўлларда бехавотир юришлари учун назорат кучайтирилмоғи зарур. Шундай қилиш керакки, истиқболимиз эгалари бўлмиш болалар ёзги таътилни соз ўтказсинлар.

**Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ Матбуот бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**

